

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “ 12 ” январь

4- сонли

Когон шахар

Когон шахар Электр тармоклари кейинги ўринларда “Корхона” нинг Низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари М.О.Джураев бир тарафдан ва Когон шахар давлат солик инспекцияси кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади ўзининг Низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари К.К.Ахмадова иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳакида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳак тўйлади.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг шартномавий ҳажми 7855 кВт.с. ни ташкил киласди.*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 3534750 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил киласди.*

Шундан, бюджет маблағлари хисобидан 3534750 (Уч миллион беш юз ўттиз тўрт минг етти юз эллик) сум

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) миқдори Энергияни (Қувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни хисобга олишнинг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 304 кВт.с.ни ташкил қиласди.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Қувват учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида хисоб-китоб килиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Қувватнинг хисобга олиниши электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Қувватни) хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш йўли

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси, тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга кадар, вактинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.